

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM
VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI
VA ADABIYOTI UNIVERSITETI**

**QIYOSIY
ADABIYOTSHUNOSLIK:
O‘TMISHI, BUGUNI,
ISTIQBOLLARI**



**2020-yil
6-noyabr**

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020 yil 7-fevraldagi 56-f - sonli Farmoyishi bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasida 2020-yilda xalqaro va Respublika miqyosida o'tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik anjumanlar rejasini"da belgilangan tadbirlar hamda O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligining 2020-yil 13-fevraldagi "Vazirlik tizimidagi oliy ta'lim va ilmiy - tadqiqot muassasalarida 2020 yilda o'tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik anjumanlar rejasini tasdiqlash to'g'risida"gi №116-sonli buyrug'ida belgilangan tadbirlarni amalga oshirish maqsadida Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrasini tomonidan 2020 - yil 6 - noyabrda "QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK: O'TMISHI, BUGUNI, ISTIQBOLLARI" mavzusida Respublika miqyosida ilmiy-amaliy konferensiya o'tkazilishi rejalashtirilgan.

Konferensiyaga quyidagi yo'nalishlar bo'yicha maqolalar qabul qilinadi:

- ❖ Qiyosiy adabiyotshunoslikning nazariy va uslubiy muammolari;
- ❖ Qiyosiy mifologiya va folklorshunoslik masalalari;
- ❖ O'zbek adabiyoti jahon adabiyoti kontekstida;
- ❖ O'zbek va jahon adabiy aloqalari;
- ❖ Tarjimashunoslik va tarjimachilik masalalari;
- ❖ Tarjima - komparativistika obyekti sifatida;
- ❖ Tarjima tanqidining istiqbollari.

Konferensiyada ishtirok etish shakli: Onlayn konferensiya ZOOM dasturida o'tkaziladi. Konferensiyaga yaqin ishtirokchilarga onlayn konferensiyaga ulanish havolasi yuboriladi. Konferensiya materiallarining elektron bazasi yaratiladi.

Diqqat: Tashkiliy qo'mita maqola va tezislarni tahrir qilish huquqiga ega.
Konferensiya ishchi tillari:
o'zbek, rus, ingliz tillari.

TAQDIM ETILADIGAN MAQOLA VA TEZISLARGA QO'YILADIGAN TEXNIK TALABLAR:

1. Ma'ruzalar o'zbek va rus (ingliz) tillarida yozilishi mumkin;
2. Maqolaning umumiy hajmi 4 betdan kam bo'lmasligi tavsiya etiladi;
3. Matn formati Microsoft Word, 1,5 intervalda Times New Roman 14 pt, matn formatining chap tomoni – 2.5 sm, o'ng tomoni – 1.5 sm bo'lishi kerak;
4. Maqola sarlavhasi o'rtada, bosh harf bilan to'q shriftda beriladi;
5. Keyingi qatorning o'ng tomonida muallif haqida quyidagi ma'lumotlar ko'rsatilishi lozim: familiyasi, ismi, otasining ismi, ilmiy darajasi, unvoni, ish joyi (qisqartirishlarsiz oliy o'quv yurti nomi), telefon raqami va elektron pochta manzili;
6. Annotatsiya va kalit so'zlar ikki tilda – o'zbek, rus tillarida yoziladi. Annotatsiya hajmi masofalarsiz 500 belgidan oshmasligi kerak. Kalit so'zlar – 5-6 ta so'z;
7. Adabiyotlardan olingan iqtiboslarning manbai sarlavha ostida ko'rsatiladi;
8. Qabul qilingan maqolalar konferensiya materiallarining elektron to'plami sifatida nashr qilinadi;
9. Konferensiya mavzusiga, ilmiy me'yorlarga va texnik talablarga javob bermaydigan maqolalar qabul qilinmaydi;
10. Maqolaning mazmuniga muallifning o'zi javobgar hisoblanadi.

Konferensiya maqolalarining elektron to'plamini mualliflarga yetkazish 2020-yil noyabr oyiga mo'ljallangan.

Nashr bepul

Konferensiya 2020-yil 6-noyabr soat 10-00 da boshlanadi.

Tashkiliy qo'mitaning manzili: Toshkent shahri, Yusuf Xos Hojib ko'chasi, 103-uy, ToshDO'TAU binosi, 3-qavat, 313-xona. Tarjima nazariyasi va amaliyoti kafedrası

**Ma'lumot uchun telefonlar: +99890 943-43-80 (Bahodir Xolikov),
+99899 666-77-33 (Mahmadiyor Asadov), +99897 362-82-44 (Zebo Sabirova)**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TOSHKENT DAVLAT O‘ZBEK TILI VA ADABIYOTI
UNIVERSITETI**

TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI FAKULTETI

TARJIMA NAZARIYASI VA AMALIYOTI KAFEDRASI

QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK: O‘TMISHI, BUGUNI, ISTIQBOLLARI



Respublika ilmiy-amaliy anjumani maqolalar to‘plami

2020-yil 6-noyabr



**“FIRDAVS-SHOH” NASHRIYOTI
TOSHKENT – 2020**

УДК 821,512,133,09 (062)
ББК 83.3 (5Ў) я73
Қ 37

Ushbu to'plam Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti Ilmiy-texnik kengashining 2020-yil 24-dagi 4-sonli yig'ilishi qaroriga asosan nashrga tavsiya etilgan.

Taqrizchilar:

Bahodir Karimov – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yoshlar murabbiyi
Xurshid Do'stmuhammad – filologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Qonunchilik palatasi deputati

To'plamdan o'rin olgan maqolalarning saviyasi, sifati va ilmiy dalillarning haqqoniyligi hamda mazmuni uchun mualliflar mas'uldirlar.

Tahrir hay'ati

Shuhrat Sirojiddinov	f.f.d., professor, ToshDO'TAU rektori
Akmal Saidov	O'zR FA akademigi, yu.f.d., professor
Muhammadjon Xolbekov	f.f.d., professor (SamDCHTI)
Uzoq Jo'raqulov	f.f.d., professor (ToshDO'TAU)
Ulug'bek Hamdamov	f.f.d. (ToshDO'TAU)
Gulnoz Xalliyeva	f.f.d., professor (O'zDJTU)
Qosimboy Ma'murov	f.f.n., professor (ToshDO'TAU)
Dilnavoz Yusupova	f.f.d., dotsent (ToshDO'TAU).
Bahodir Xoliqov	f.f.f.d., ToshDO'TAU (<i>mas'ul muharrir</i>)
Mahmadiyor Asadov	ToshDO'TAU tayanch doktoranti (<i>mas'ul kotib</i>)
Zebo Sabirova	ToshDO'TAU o'qituvchisi (<i>mas'ul kotib</i>)

Qiyosiy adabiyotshunoslik: o'tmishi, buguni, istiqbollari (matn) Respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari тўплами. – Т.: “Firdavs-Shoh” nashriyoti, 2020. – 284 bet.

ISBN 978-9943-6695-8-1

Mazkur anjuman materiallariga filologiya bugungi kunda dolzarb deb qaralayotgan qiyosiy adabiyotshunoslik, tarjimashunoslik va komparativistika masalalariga oid ilmiy maqola va tezislar kiritilgan. To'plamdan o'rin olgan maqolalarda qiyosiy adabiyotshunoslikning umumnazariy va uslubiy muammolari, o'zbek mumtoz adabiyoti, qiyosiy mifologiya va folklorshunoslik, o'zbek adabiyoti jahon badiiy tafakkuri kontekstida o'rganilishi, o'zbek va jahon adabiy aloqalari, tarjimashunoslik va tarjima tanqidi kabi dolzarb masalalar yoritilgan. Filologiya sohasiga oid ilmiy nashrlari bilan ilm ahli nazariga tushgan ustoz-olimlar: filologlar, pedagoglar, adabiyotshunos va tarjimashunoslar bilan bir qatorda, shu jabhalarda ilmiy kuzatishlarini endigina boshlagan tadqiqotchilar, doktorantlar va magistrantlarning ham tadqiqot natijalari mazkur to'plamda tartiblangan.

To'plam adabiyotshunoslik, jumladan, qiyosiy adabiyotshunoslik sohasida tadqiqot olib borayotgan hamda shu sohaga qiziquvchi keng kitobxonlar ommasiga mo'ljallangan, shuningdek, “Qiyosiy adabiyotshunoslik” fanini o'qitishda oliy o'quv yurti talabalari uchun ham qo'shimcha manba sifatida foydalanish mumkin.

УДК 821,512,133,09 (062)
ББК 83.3 (5Ў) я73

ISBN 978-9943-6695-8-1

© “Firdavs-Shoh” nashriyoti, 2020

АНТОНОМАЗИЯЛАРНИНГ ЎЗБЕК БАДИЙ АСАРЛАРИДАГИ ЎРНИ

Рисолат АЧИЛОВА,

Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси

Аннотация: Мақолада Алишер Навоий бадий асарларида қўлланган антономазияларнинг лексик-семантик хусусиятлари қисман ўрганилган, шоир ижодида тутган ўрни аниқланган, метафора ва метонимияга муносабати очиб берилган ҳамда улар мавзу гуруҳлари бўйича таснифланган.

Калит сўзлар: антономазия, талмиҳ, троп, антропозтоним, метафора, метонимия.

Аннотация: В статье исследуются лексико-семантические особенности антономасии, используемых в творчестве Алишера Навои, выявляется их роль в творчестве поэта, раскрывается связь с метафорой и метонимией, классифицируется их по тематическим группам.

Ключевые слова: антономасия, талмих, троп, антропозтоним, метафора, метонимия.

Алишер Навоий нафақат ўзбек ёки туркий, балки жаҳон халқларининг маънавияти, фани ва адабиёти тараққиётига кучли ва сезиларли таъсир кўрсатган буюк алломадир. У ўзбек тилининг бой имкониятларидан унумли ва бадий ифоданинг турли усул ҳамда воситаларидан кенг фойдаланиб, бадий жихатдан ҳар томонлама етук асарларни яратди. Алломанинг асарлари сўз миқдорига кўра ҳам, бадий санъатлар, умуминсоний ғоялар ва мавзуларнинг кўлами бўйича ҳам, фалсафий мазмун-моҳиятига кўра ҳам, китобхонларни жалб этиш доираси бўйича ҳам энг юқори, юксак даражада туради, бошқача тарзда ифодаласак, муболагасиз тенгсиздир. Айниқса, унинг сўзларни кўчма маънода қўллашдаги маҳорати алоҳида эътиборга молик. Шоир ушбу борада ўзига хос бир йўналиш, услуб яратиб, бадий санъатлар тизими, чунончи, талмиҳ санъатини ҳар томонлама бойитди ва такомиллаштирди.

Мазкур бадий санъат Европа тилшунослигида антономазия термини билан аталади. Жаҳон, чунончи, ўзбек тилшунослиги учун антономазияларнинг лексик-семантик жихатларини ёритиш, матндаги бадийликни таъминлашдаги ўрнини кўрсатиш, ёндош кўчим турларига муносабатини аниқлаштириш, кўчимлар тизимидаги ўрни ва аҳамиятини очиб бериш, лексик-семантик табиати ва структурал-композицион хусусиятларини тадқиқ этиш, фалсафий, мантикий, лисоний, семантик ҳамда бадий-эстетик, поэтик хусусиятларини яхлит таҳлил қилиш муҳим вазифалардан биридир.

Шарқ адабиётшунослигида антономазиялар талмиҳ бадий санъати номи билан қисман ўрганилган. Илмий манбаларда қайд этилишича, талмиҳ бошқа бадий санъатлар, чунончи, ташбиҳ, тамсил, ирсол ул-масал, лафф ва наshr кабилар билан бирга ўхшатиш асосидаги санъатлар туркумига киради. У шеърда оз сўз билан кўп маънони ифодалаш санъати бўлиб, унда маълум, машҳур адабий ва тарихий асарларга мурожаат этилади. Ўзбек адабиётшунослигига оид тадқиқот ва дарсликларнинг айримларида мазкур бадий санъат номи талмиҳ, баъзиларида эса талмеҳ шаклида келтирилган. Мазкур сўзнинг ёзилиш шакли бўйича ўзбек адабиётшунослигида аниқ тўхтамли фикр мавжуд эмас.

Мазкур илмий ва таълимий манбаларда талмиҳнинг таърифи бўйича билдирилган фикрлар бир-биридан деярли фарқ қилмайди. Масалан, Б.Тўхлиев, Б.Каримов, К.Усмоноваларнинг ўрта таълим муассасаларининг 10-синфи ўқувчилари учун мўлжалланган “Адабиёт” дарслик-мажмуада талмиҳ қуйидагича талқин этилган: “Талмеҳ арабча сўз бўлиб, маъноси “чақмоқ чақилиши”, “бир назар ташлаш” демакдир. Бадий санъат сифатида у тарихий ва афсонавий воқеа, масал, шахс, машҳур асар ва қахрамонлар номига ишора қилиш воситасида фикрни қисқа, ихчам тасвирлашдир” [Тўхлиев ва бошқ., 2017: 67]. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да эса талмиҳга қуйидагича изоҳ берилган: “Талмиҳ (араб. — ишора қилиш, бирор нарса томонга енгил назар ташлаш) — мумтоз шеърятда кенг қўлланган бадий санъатлардан бири. Бунда шоир машҳур бир қисса, воқеа ёки асарга ишора қилиш орқали ўз фикрини мухтасар ҳикоя қилади” [Ўз.МЭ,

2006: 68]. Адабиётшунос А.Ҳожахмедов ўзининг “Шеърӣ санъатлар ва мумтоз қофия” асарида талмиҳнинг шеър ёки насрда машҳур тарихий воқеалар, афсоналар, адабий асарлар ёки мақолларга ишора қилмоқ санъати эканлигини таъкидлайди [Ҳожахмедов, 1998: 41].

Талмиҳ санъатининг асосий шартларидан бири шундаки, унда ишора қилинаётган тарихий ёки бадиий фактнинг машҳур, яъни кўпчиликка таниш бўлиши муҳимдир. Ҳозирги давр нуқтаи назаридан Алишер Навоий кўллаган талмиҳларнинг аксариятини ўқиганда ёки эшитгандаёқ фаҳмлаш, қайси фактга ишора, мурожаат этилаётганини тезда англаш мумкин. Шоир кўллаган айрим талмиҳларнинг моҳиятини эса тушуниш бугунги китобхон учун анча мушкул, уларни тушунувчилар доираси жуда кенг эмас. Масалан:

Кўзларинг бирла лабинг андоғки урди дин йўлин,
Не балолардин *Билол* ўткай, не саҳмодин *Сухайб*.

[Навоий, 1988: 64]

Мазкур байтда келтирилган *Сухайб* исми ҳозирги кўпчилик китобхонларга нотаниш бўлиши мумкин. Унинг тўлиқ номи Сухайб Румий бўлиб, у Билол каби ислом динини биринчилардан бўлиб қабул қилган. Сухайб Румий мусулмонликни қабул қилганини эшитган мушриклар унга мунтазам тарзда кўз кўриб, кулоқ эшитмаган азобларни беришади. Бироқ ўз эътиқоди, иймонига собит бўлган Сухайб ҳар қандай қийноқ ва тазйиқларга бардош бериб, ўзи танлаган йўлдан асло чекинмайди. Ислом дини учун бутун борлигини бахшида этади. Алишер Навоий мазкур байтида Сухайб номини келтирир экан, ана шунга ишора этади.

Талмиҳ шундай бадиий санъатки, унда айтиш лозим бўлган фикр бошидан охиригача тўлиқ айтилмайди, воқеа-ходиса, ҳолат батафсил тасвирланмайди, ўша фикр ёки воқеа-ходисага мос келадиган бошқа бирор бадиий ёки тарихий фактга ишора қилиш орқали катта натижага эришиш, бир сўз билан кўп тушунча ифодалаш имкони юзага келади. Масалан:

Кўнглум ўтидин не тонг гар топса рухсоринг фуруғ,
Шўх тарсо мусҳаф ўртар *Шайх Санъон* ўтиға.

[Навоий, 1988: 435]

Мазкур байтда *Шайх Санъон* номи талмиҳ сифатида келтирилган бўлиб, шоир у ҳақидаги Шарқда машҳур ривоятга ишора қилади. Бу билан шоир ишқнинг куч-қудрати тенгсиз эканлигини, у ҳар қандай инсонни йўлдан оздириши, энг ёмони, иймонидан кечишигача олиб келиши мумкинлигини англатмоқчи бўлади.

Ўзбек тилшунослигида талмиҳ бадиий санъатига асос бўлувчи бирликлар лингвопоэтика ва антропоцентрик йўналишларда *ономастик бирлик*, *ономастик метафора*, *прецедент ном*, *аллюзив ном* ва “*сўзловчи*” *номлар* каби атамалар остида ўрганилиб келинмоқда [Анданиёзова, 2017: 11]. Ономастик бирликлар бадииятини ўрганувчи соҳа номлари бўйича аниқ тўхтамли фикр мавжуд эмас. У турли терминлар остида ўрганилмоқда: *адабий ономастика*, *поэтик ономастика*, *стилистик ономастика*, *адабий-бадиий ономастика*, *бадиий ономастика*, *оним поэтикаси*, *поэтонимология* ва ҳоказо. Айрим олимлар поэтик юкли шахс номларига нисбатан *антропоним* эмас, балки *антропоэтоним* атамасини қўллашни тавсия этади [Калинкин, 2000: 14].

Антономазия талмиҳ бадиий санъатининг моҳиятини тўлиқ ўзида ифодаллагани, тилшуносликда кенг қўлланилганлиги боис мазкур терминдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. *Антономазия* сўзи грек тилига мансуб бўлиб, у *қайта номлаш* деган маънони ифодалайди. У троп (кўчим)нинг бир туридир. Антономазия бадиий асарда номинатив, тавсифий, ғоявий, эстетик, услубий, экспрессивлик, рамзий каби вазифаларни бажаради. Улар, асосан, ўхшатиш асосида воқеланади. Шоирлар антономазиялардан фикрларни изоҳлаш, тасдиқлаш ва далиллаш учун бадиий асарларида кенг фойдаланади. Антономазиялар бадиий асар эстетик моҳиятини чуқур идрок этиш ва

қулай англанишда муҳим лисоний восита бўлиб хизмат қилади, унинг таъсирчанлигини оширади.

Автономазиялар поэзияда ҳам, прозада ҳам, драмада ҳам машҳур адабий ёки тарихий-маданий фактга ишора қилувчи ном сифатида алоҳида ўрин тутати. Рус тилшуноси М.В.Калинкин сўзлари билан айтганда, ҳар қандай ном матнга тарихий, маданий, географик, коннотатив маълумотлар етказиб берувчи ўзига хос “транспорт воситаси”дир [Калинкин, 2006: 84]. Ўрни келганда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ҳозирги давр нуктаи назардан автономазияларни истеъмол, қўлланилиш ва тушунилиш доирасига кўра уч гуруҳга – умумий, минтақавий ва миллий автономазияларга ажратиш мумкин. Умумий автономазиялар (мас., *Отелло*, *Гамлет*, *Икар*, *Колумб*, *Яго*, *Буратино* кабилар)нинг кўчма маъноларини дунёдаги аксарият кишилар билади. Масалан, *Отелло* рашк тимсоли эканлиги, у бадий асарларда рашк рамзи сифатида мажозий маънода кўп қўлланишидан деярли ҳамманинг хабари бор. Минтақавий автономазиялар (мас., *Ҳотам*, *Лайли*, *Мажнун*, *Хусрав*, *Рустам* кабилар)нинг мажозий маъноларидан Шарқ халқларининг аксарияти хабардор. Масалан, *Ҳотамни* сахийлик, қўли очиқлик рамзи сифатида ўзбек, тожик, араб каби халқлар яхши билади. Миллий автономазиялар сифатида эса *Алпомиш*, *Бобур*, *Фурқат*, *Қумуш*, *Отабек*, *Чўлпон* кабиларни айтиш мумкин. Бу каби автономазияларнинг мажозий маънолари ўзбек халқининг аксарияти учун маълум ва тушунарли.

Алишер Навоийнинг адабий-бадий асарларида қўлланган автономазиялар, шубҳасиз, ўзбек халқининг маданиятини тўлиқ ўзида акс эттиради. Шунга кўра унинг асарларидаги мазкур кўчим турини аниқлаш, мазмун-моҳиятини очиб бериш ва уларнинг вазифаларини белгилаш катта аҳамиятга эга. Шоирнинг бадий асарларидаги автономазияларнинг умумий хусусиятига эътибор берилса, улар икки жиҳатга кўра фарқланади. Асарларида қўлланган автономазияларнинг бир қисми адабий фактларга ишора этилган бўлса, қолган бир қисми эса ижтимоий-тарихий воқеаларга ишора қилинган. Шоир бадий асарлари автономазияларга жуда бой. Унинг бу борадаги ижодий фаолиятини ўзидан олдин ўзбек тилида ижод этган шоирлар, жумладан, Лутфий, Атойи, Саккокийларнинг бадий асарлари билан қиёсан ўрганилганда, шу нарса аниқ бўлдики, шоир асарларида автономазияларнинг миқдори уларнинг асарларидаги автономазиялардан миқдор жиҳатидан анча кўп ва кўламига кўра ниҳоятда кенг.

Муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек мумтоз адабиётидагина эмас, балки Шарқ мумтоз адабиётида, қолаверса, жаҳон адабиётида миқдор нуктаи назардан энг кўп автономазияларни қўллаган шоир, шубҳасиз, Алишер Навоийдир. Унинг биргина “Ғаройиб ус-сиғар” девонида етмишга яқин автономазия қўлланилган.

Алишер Навоий бадий асарларидаги автономазиялар, асосан, от сўз туркумидаги сўзлар асосида шакллантирилган. Уларнинг кўпчилиги араб тилидан ўзлашган атоқли отлардир. Миқдор жиҳатдан тўқима образлар, диний-афсонавий (мифологик) қаҳрамонлар номлари ҳукмдорлар номларига нисбатан кўп учрайди. Адиб асарларида қўлланган жуда кўплаб автономазиялар ҳозирги ўзбек бадий адабиётида анъанавий тарзда ҳозир ҳам фаол қўлланишда давом этмоқда. Улар халқнинг турмуш тарзи, маданияти ва адабиётига чуқур сингиб, унинг ижтимоий тафаккури, эстетик диди ва ахлоқий қарашлари тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Алишер Навоий бадий асарларидаги автономазияларнинг лингвистик моҳиятини очиб бериш, илмий-назарий тавсифини бериш, изоҳлаш, лингвопоэтик ва услубий хусусиятларини тадқиқ этиш, шоир қўллаган кўчма маъноли сўзлар тизимида автономазияларнинг ўрнини белгилаш, лексик-семантик табиати ва структурал-композицион хусусиятларини тадқиқ этиш, уларнинг фалсафий, мантикий, лисоний, семантик ва поэтик хусусиятларини яхлит таҳлил қилиш ўзбек тилшунослиги учун ҳамиша долзарб масалалардан бири бўлиб қолади.

Адабиётлар

1. Анданиёзова Д. Бадий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: филол. фан. б. фалс. док. дисс. автор. –Т.: 2017. -27 б.
2. Арутюнян М.А. Структура, семантика и прагматика стилистического приема антономазия на материалах немецкого языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –М.: 2010. –21 с.
3. Бобоев Т. Шеър илми таълими. Т.: Ўқитувчи, 1996. -142 б.
4. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. -Т.: Зарқалам, 2006. -125 б.
5. Калинин В.М. Теоретические основы поэтической ономастики: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Киев, 2000. – 24 с.



ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ЭРТАКЛАРИДА ЎХШАШ ВАЗИФАЛИ СЕҲРЛИ ПРЕДМЕТЛАР ТАЛҚИНИ

Нозима ДЖУМАЕВА,

Бухоро давлат университети катта ўқитувчиси

Аннотация: Сеҳрли предметларнинг эртақлардаги иштироки сеҳрли фантастик эртақларнинг табиатини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек халқ эртақларидаги вазифадош сеҳрли предметлар ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: фольклор, сеҳрли-фантастик эртақлар, сеҳрли предметлар, сеҳрли қилич, сеҳрли узук, сеҳрли қалпоқ, сеҳрли мевалар, сеҳрли ўсимликлар, сеҳрли ҳайвонлар, сеҳрли тўн.

Аннотация: Привлечение магических предметов в сказках играет важную роль в определении природы волшебных сказок. В этой статье обсуждаются магические предметы, которые используются в одинаковых функциях в английских и узбекских народных сказках.

Ключевые слова: фольклор, волшебные сказки, волшебные предметы, волшебный меч, волшебное кольцо, волшебная шапка, волшебные фрукты, волшебные растения, волшебные животные, волшебное пальто.

Инглиз ва ўзбек фольклорида эртақлар алоҳида ўринга эга. Бу қадимги жанрга эътибор ҳар иккала халқнинг фольклоршунослигида кучлилиги кузатилади. Сеҳрли фантастик эртақлар эртақларнинг алоҳида турини ташкил қилади. Хусусан, сеҳрли предметларнинг иштироки бундай эртақларнинг табиатини белгилашда муҳим аҳамият касб этади. Ғаройиб хусусиятли предметлар қаторига сеҳрли узук, очил дастурхон, қайнар хумча, ур тўқмоқ, учар гилам, кийса кўринмас ҳолга эврилтирадиган қалпоқ, еса яшартирадиган ёки соғайтирадиган, ҳатто ўлдириши мумкин бўлган олма, сеҳрли қилич ва ҳоказоларни мисол қилиш мумкин.

Қизиғи шундаки, номи кўрсатилган бундай ғаройиб предметларни турли тизимли тилларда яратилган ер юзининг турли ҳудудларида яшайдиган инглиз ва ўзбек эртақларида кўпинча вазифадош ҳолатларда кузатиш мумкин. Айниқса, қилич, узук, ур тўқмоқ, қалпоқ кабилар шулар жумласидандир. Бу предметлар инглиз ва ўзбек эртақларида тўлиқ вазифадошлик ҳосил қилса, юқорида номи кўрсатилган сеҳрли предметлардан айримлари инглиз ва ўзбек халқларининг миллий менталитетидан келиб чиққан ҳолда уларнинг эртақларида учраши ва қўлланилиши кузатилади. Масалан, ўзбек халқида очил дастурхон образи ёйганда кўз очиб юмгунча турфа бамаза таомларни ўзида яратса, инглизларда бу вазифани сеҳрли стол ўзида намоён этади. Кўринадики, очил дастурхон ва сеҳрли стол эртақларда бир хил вазифада талқин қилинаётган эса-да, уларнинг кўриниши турлича тасвирланади.

Зотан, инглиз тилида *дастурхон* сўзи мавжуд эмас. Бу тилда дастурхон сўзи ўрнида скатерть (table cloth) сўзи ишлатилади. Чунки дастурхон ва скатерть овқатланишда ёйиладиган ва устига егулик ва ичимликлар қўйиладиган предметлар ҳисобланади. Шунинг учун кўпинча инглиз тилидан ўзбек тилига ёки аксинча, ўзбек

МУНДАРИЖА

I. QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIKNING NAZARIY VA USLUBIY MUAMMOLARI

Акмал САИДОВ. “Қиёсий адабиётшунослик” тушунчасининг таърифи, талқини ва таснифи ҳақида айрим мулоҳазалар.....	3
Акмал САИДОВ. XX аср бадий адабиётида глобаллашув муаммолари талқини (профессор Муҳаммаджон Холбековнинг илмий-ижодий фаолияти мисолида)	8
Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ. Қиёсий адабиётшунослик фан сифатида	13
Гулноз ХАЛЛИЕВА. Адабий компаративистиканинг объекти ва вазибалари.....	16
Шоира АХМЕДОВА. Ўзбек ва француз адабиётшунослигида адабий-танқидий суҳбатнинг ўрни.....	19
Shohsanam DAVRONOVA. “Qiyosiy adabiyotshunoslik” fanini o'qitishda interfaol metodlardan foydalanish	21
Баҳодир ХОЛИҚОВ. АҚШ ва ўзбек романларининг композицион қурилишига доир айрим мулоҳазалар (“Чўқинтирган ота” ва “Шайтанат” асарлари мисолида).....	24
Хулқар МУҲАММЕДОВА. Ўзбек ва инглиз адабиётида детектив роман элементларининг акс этиши	28
Алишер МАҲМУДОВ. Диний бағрикенгликнинг қиёсий таҳлили(Г.Э.Лессинг ва Э.Воҳидов ижоди мисолида).....	30
Комилжон ҲАМРАЕВ. Бадий “учлик” типологиясининг тарихий-назарий хусусиятлари.....	36
Дилфуза РАСУЛМУХАМЕДОВА. Қиёсий адабиётшуносликда туркий халқлар адабиётидаги асарлар таҳлили ва талқини.....	39
Улуғбек КҮЧИМОВ. Бадий психологизмнинг назарий асослари	43
Санобархон ИСРОИЛОВА. Притча (хикоят)нинг ўзига хос хусусиялари	47

II. O‘ZBEK MUMTOZ ADABIYOTI, QIYOSIY MIFOLOGIYA VA FOLKLORSHUNOSLIK MASALALARI

Дилнавоз ЮСУПОВА. Темурийлар даври арузшунослигида рубоий вазнларига доир қарашларнинг қиёсий таҳлили	49
Музаффар МАМАТҚУЛОВ. Сайқалининг “Баҳром ва Гуландом” достонида фольклор анъаналари	52
Yunus AZIMOV. Abdurahmon Jomiyning “Xiradnomai Iskandariy” va Alisher Navoiyning “Saddi Iskandariy” dostonlarida Iskandarning payg‘ambarligi talqini	58
Nurbek JURAYEV, Izzat NIGMATOV. Maqollar bizning ulkan folklor merosimizdir	61
Ra’no HAKIMJONOVA. “Mantiq ut-tayr” va “Lison ut-tayr” debochasida koinot motivi	63
Акмал ЖУМАЕВ. Немис ва ўзбек адабиётида ҳудҳуд образининг ўзига хос талқинлари	66
Гулбаҳор НАЗАРОВА. Инглиз адабиётида аждарҳонинг бадий-мифологик талқини	69
Гулсанам ҚОСИМОВА. “Бобурнома”да ижодкор шахси ва муаллиф образи.....	72
Давронбек ОРИПОВ. “Орзигул” достони юзасидан янги қайдлар.....	75
Дилмурод ДЎСБЕКОВ. “Алпомиш” ва “Манас” дostonларининг қиёсий тадқиқи.....	79
Зарнигор ДЖАЛИЛОВА. Ғарб ва шарқликларнинг атиргул билан боғлиқ магик-мифологик қарашлари ва анъаналари	83
Маҳмадиёр АСАДОВ. Афсонавий Сизиф образининг қиёсий тадқиқи: Гомердан Хуршид Дўстмуҳаммадгача.....	85
Раъно КАЗАКОВА. Отличительные черты фольклорной и литературной сказок	91
Руфина БОЗОРОВА. Лорелай ҳақида афсона	93
Сарвиноз АХМЕДОВА. Инглиз эртакларида эпик кўмакчи образи.....	97
Умида ЭЛОВА. “Гайавата ҳақида кўшиқ” поэмасининг лингвостилистик таҳлили	99
Шаҳноза УБАЙДУЛЛАЕВА. Жангнома дostonларда тарихий ҳақиқат ва бадий тўқима масалалари	102

III. O‘ZBEK ADABIYOTI JAHON BADIY TAFAKKURI KONTEKSTIDA

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ. Шарқ ва Ғарб классицизмнинг умумназарий муаммолари	105
Махлиё УМАРОВА. Байрон ва Чўлпон шеъритади бадий муштарақлик	109
Shahnoza RAHMONOVA. XX asr o‘zbek adabiyotida yaratilgan mustazod janrining qiyosiy tahlili	112
Феруза СУЛТОНҚУЛОВА. Усмон Азим ва жаҳон шеърияти	116
Ғулом БОБОЖОНОВ. “Балоғат илми” араб, форс ва туркий олимлар талқинида	118
Абдунаби ТҲҲЧИЕВ. Ижодий ҳамоҳанглик	120
Anvar ALLAMBERGENOV. Abu Rayhon Beruniyning epizodik obraz sifatidagi tasviri (Maqsud Qoriyevning “Ibn Sino” romani misolida).....	124
Зебо САБИРОВА. Шарқ фалсафаси ва модернизм	127
Chinora UMARALIYEVA. Merso va G‘aybarov obrazlari misolida begonalashuv	130
Axror Kodirov. Mustaqillik davri o‘zbek romanchiligida shakliy o‘zgarishlar.....	132
Mohira ABDURAHMONOVA. Xurshid Do‘stmuhammadning “Bozor” romanidagi ramziy obrazlar poetikasi.....	135
Dilshoda UMIROVA. O‘zbek va jahon adabiyoti sirlari va farqlarni xususida	137

IV. O‘ZBEK VA JAHON ADABIY ALOQALARI

Улуғбек ХАМДАМОВ. Глобаллашув даври араб шеъриятига бир назар (Солиҳ Замананинг “Абадиёт манзиллари” тўплами мисолида).....	139
Ёркиной НАСИРДИНОВА. Ўзбек миллий уйғониш даври адабиётининг ўзбек-француз адабий алоқалари “Ренессанс”ида тутган ўрни	143
Баҳор ТҲРАЕВА. Чингиз Айтматов романларида инсон ва жонзот микрохронотопининг параллел тасвири	145
Aziza ZOIROVA. Fransuz-o‘zbek adabiy aloqalari taraqqiyotida badiiy tarjimaning roli	149
Дилдора САФАРОВА. Эрнест Хемингуэй ва ўзбек адабиёти	151
Sardor SHERQULOV. Lyuis Kerroll asarlarida viktoriya davrining ta’siri va fantastik voqealar mohiyati	153
Давронбек КОДИРОВ. Ғазолийнинг “Ал-мунқиз мина-з-залол” автобиографик асарида тасаввуфий-ахлоқ ҳақида	156
Дилафруз ОЧИЛОВА. Уйғониш даврининг буюк драматурги Кристофер Марло ижодида чизгилар	158
Зебинисо БЕКМУРАДОВА. Франсуза Саган ижодида психологик роман жанри	160
Ислом ЖЎРАЕВ. Замонавий шеъриятда шахс ва жамият тақдири	163
Набия АБДУЛЛАЕВА. Инглиз адабиётида талаба образининг берилиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари	166
Нилуфар ЖУМАЕВА. “Шовқин ва ғазаб” романида ёритилган муаммолар	168
Адиба МАЪДИЕВА. “Ўзбек модерн шеърияти” тўплами хусусида	171
Ma’suma OBIDJONOVA. Rey Bredberi ijodida inson omili	173

V. TARJIMASHUNOSLIK VA TARJIMACHILIK MASALALARI

Kosimboy MAMUROV, Mohina KHAMIDOVA. On reviewing translation works (on the example of the book “Night and Day” by a.Chulpon).....	176
Xushnuda SAMIGOVA. Some hints for translators: paraphrases as a means of cultural translation.....	178
Зиёдахон ТЕШАБОЕВА. Такаллуфнинг маъно жилolari ва инглизча таржималари таҳлили.....	182
Nurislom KHURSANOV. General characteristics of translation process and cross-cultural communication	185
Oybek XAMDAMOV. Tarixiy romanlar tarjimasida milliylikni aks etishi masalalari	188
Ozoda QURBONOVA. Ingliz tilidagi iboraviy fe’llarni o‘zbek tiliga tarjima qilish muammolari... 191	191

Rafiqjon ZARIPOV. Kognitiv rivojlanish va tarjima jarayonida ikki tillilik va ko'p tillilikning rolli	194
Гулрух ҚАҲҲОРОВА. Юкламаларнинг таржима луғатларида берилиши.....	197
Umida ABDULLAYEVA. Translation strategies for advertising discourse texts: best known tv commercials in uzbek	200
Hamza AVAZOV, Shuhrat XIDIROV. The importance of translating authentic texts during the learning process	202
Д.Б. АБДУКАЮМОВ, В.А. ОРЕХИН-РЫЖИНА. Особенности и проблемы перевода художественных текстов	205
Азиза ЖАЛОЛОВА, Мансур БАБАЕВ, Ўғилой МАВЛОНОВА. Реалиялар (американизмлар) таржимаси муаммоси ва унинг хорижий тилларни ўқитишдаги ўрни	208
Дилафрўз КАРИМОВА. Бир эртақнинг уч таржима варианти хусусида	212
Дилноза САБУРОВА, В.А. ОРЕХИН-РЫЖИНА. Таржимоннинг бир сўзи	215
Муаттар МАҲМУДОВА. Садриддин Салим Бухорийнинг таржимон бўлиб шаклланиш омиллари	217
В.А. ОРЕХИН-РЫЖИНА. О проблемах адекватности в преподавании перевода	219

VI. ILMIIY AXBOROTLAR

Mavlyuda GADOEVA. Conceptual analysis of phraseological units with the somatism component in the system of non-related languages	223
D.Sh. SHARIPOVA, M.A. GAYBULLAYEVA, Z. ADIZOVA. Methods of developing skills and abilities in learning a foreign language.....	227
Dilnoza SHARIPOVA, Malika OBLOKULOVA, Dilnoza ASKAROVA. Some analysis and considerations about symbols.....	229
Rano AKHMEDOVA. Classification and lexical-semantic features of somatic phraseological units related to culture in english and uzbek languages	232
Rano AKHMEDOVA, Inobat NARZIYEVA. Classification of authentic materials and the role of their usage in foreign language lessons.....	234
Фируза НАРЗУЛЛАЕВА. Инглиз ва ўзбек тилларида “кўз” сўзининг полисемантиклиги	236
Dilnoza HABIBULLAYEVA. Jahon adabiyoti va tibbiyot	239
B.S. ABDURAZAKOV Some types of semantic correlates of phraseological configurations and its structural-semantic varieties	242
R.A. ACHILOVA, M.T. BABAYEV, O.A. ATAMURADOVA. Benefits of grammar in english classes	244
Dilshoda MAMATOVA. O'zbek talabalarining xitoy tili miqdor to'ldiruvchisini o'rganishini tadqiq qilish.....	246
O'g'iloy MAVLONOVA. Vaziyatli kinoya va misollar orqali uning tahlili	249
Shahnoza KARIMOVA. Poetik sintaksis haqida	251
Dilnoza ZIYAYEVA. Syntactical characteristics of english speech verbs.....	254
Рисолат АЧИЛОВА. Антономазияларнинг ўзбек бадиий асарларидаги ўрни	258
Нозима ДЖУМАЕВА. Инглиз ва ўзбек эртақларида ўхшаш вазифали сеҳрли предметлар талқини.....	261
Shahnoza KARIMOVA, Dinara IBRAGIMOVA. Og'irlik va uzunlik ma'nosidagi numerativlar	264
Моҳичехра НИЯЗОВА. Инглиз ва ўзбек никоҳ туйларида айтиладиган олқишларнинг ғоявий-шаклий муштараклиги	266
Меҳринисо ОЧИЛОВА. Электрон луғат – лексикография ривожинингянги босқичи маҳсули	268
Nilufar OCHILOVA. “Do`nan” hikoyasida “ot” obrazi.....	274
Диёра БОБОНАЗАРОВА. Дискурс анализ – как современный метод интерпретации информации	276
Zarnigor KHAYATOVA. Relationship between uzbek and english literature: ethno-cultural specificity of concept studies	278

Ilmiy-ommabop nashr

QIYOSIY ADABIYOTSHUNOSLIK: O‘TMISHI, BUGUNI, ISTIQBOLLARI



Respublika ilmiy-amaliy anjumani maqolalar to‘plami
2020-yil 6-noyabr

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan TASDIQNOMA berilgan.

Nashriyot identifikatsiya raqami №307682706

Bosishga 2020-yil 4-noyabrda ruxsat etildi.

Bichimi 60x84 ¹/₈ .

Times New Roman garniturası. Shartli bosma taboq 35,5.

Original maket

“FIRDAVS-SHOH” nashriyotida tayyorlandi.

Toshkent sh., Olmazor tumani, 248-10.

Tel: +998 90 372-85-17